

Самарқанд шаҳар давлат
хизматлари марказида 2022 йил
20 05 да 505475-сон
бидан давлат рўйхатига олинган

Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат
кўмитасининг 2022 йил
майдаги №54-4/сон буйруғи
бидан тасдикланган



**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ
МЕДИЦИНАСИ, ЧОРВАЧИЛИК ВА
БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ**

УСТАВИ

Самарқанд – 2022 йил

**Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 7-майдаги 54-и/ч- сонли
буйруғига 1-илова**

**Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университетининг
УСТАВИ**

I. Умумий қоидалар

1. Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети (кейинги ўринларда “Университет” деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 мартдаги ПҚ №187 сонли “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига бўйсунади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 мартдаги ПҚ-187-сонли қарорига асосан Университет ветеринария медицинаси, ветеринария санитария экспертизаси, ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари, ветеринария фармацевтикаси, зооинженерия, ветеринария биотехнологияси, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси йўналишларида кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Университет Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимида фаолият юритади.

2. Университет давлат олий таълим муассасаси ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча таълим дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув-педагогик, илмий-методик ва бошқа фаолиятни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

3. Университет ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг норматив-хукуқий ҳужжатлари ва мазкур Уставига амал қиласди.

4. Университет юридик шахс ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос маҳсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳукуқларни амалга ошириш, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа, шу жумладан, валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси

давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган мухрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

Университет жойлашган манзил:

Индекс: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек қўчаси 77-йй.

Университетнинг ўзбек (кирилл ва лотин), рус ва инглиз тилларидағи расмий номи ва қисқартмаси:

- Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, СДВУ;

- Samarkand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti, SDVU;

- Самаркандский государственный университет ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий, СГУВ;

- Samarkand State University of Veterinary Medicine, Livestock and Biotechnologies, SSUV.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали жойлашган манзил:

- Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани 20-мавзе, 35а-йй;

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Нукус филиали жойлашган манзил:

- Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Утепов қўчаси, 31-йй.

II. Университетнинг асосий вазифалари

5. Университетнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

ветеринария, чорвачилик, биотехнология, агротехнология, агроиктисодиёт тармоқлари учун олий маълумотли кадрларни тайёрлаш;

замонавий ўқув ва илмий-лаборатория базасини шакллантириш, илфор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-инновацион тадқиқотларни кенгайтириш;

ўқув жараёнини амалий қўнималарни шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илфор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш, ветеринария клиникаси, ўқув ва илмий лаборатория, ўқув тажриба хўжалиги, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш; илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш; етакчи хорижий олий таълим муассасалари била қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни жорий этиш, Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, битирувчиларнинг республика ва хорижий олий таълим муассасаларида (илмий марказларда) магистратура ва докторантурда дастурлари бўйича тахсил олишларини ташкил этиш;

ўқув жараёнини талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан тадбиркорлик қўникмаларини шакллантиришга йўналтириш;

соҳадаги илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимларини Университетда таҳсил олаётган иқтидорли талабаларга биритирган ҳолда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш;

Университетнинг юқори босқич талабалари ҳамда илмий изланувчиларининг илмий-тадқиқот институтлари лабораторияларида фаолият юритиши учун шароит яратиш;

олий таълимдан кейинги таълим бўйича фаннинг фалсафа доктори, фан доктори ва мустақил изланувчи сифатида олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;

жамиятнинг ахлоқий, маънавий-маърифий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва бойитиш;

аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий, хуқуқий даражасини кўтариш;

илмий-педагог ходимлар ва таълим оловчиларнинг илмий-тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида фойдаланиш;

ҳар томонлама ривожланган ва содик шахсни, мустақил давлат фуқаросини ўз Ватани фидойиси, халқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, Ватанимиз келажаги учун виҷдонан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

тегишли таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий мажмуаларини, ўқув-қўлланмаларини, дарсликларни, жумладан, электрон адабиётларни яратиш ва уларни ўқув жараёнларига татбиқ этиш;

миллий иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари бўйича устуворликка эга бўлган ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва натижаларини амалиётга татбиқ қилиш;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш ва бу ишларга талабаларни жалб этиш;

Университет бинолари ва унга тегишли обьектларда умумий овқатланиш, ошхона, буфетларни ташкил этиш ва фаолиятини юритиш;

тасарруфидаги таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

III. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишларнинг субъектлари, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

а) Талабалар:

8. Университетга қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълими маълумотига эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон

Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига кўра тўплланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Университетга қабул барча учун (грант, тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаганabituriyentlarning давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуки таъминланади. Қолганabituriyentlar тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқукига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишига қабул қилиш кафолатланади.

Амалдаги қонунчиликка асосан хорижий фуқароларни ўқишига қабул қиласди.

Шунингдек, Университетга олий (иккинчи ва кейинги таълим) маълумотига эга бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланган квота доирасида ўқишига қабул қилиниши мумкин.

Университет ректорининг буйруғи билан ўқишига қабул қилинган шахс университетнинг талабаси ҳисобланади ва талабалик гувоҳномасига эга бўлади.

9. Университетнинг талабалари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;

Университет ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

бепул маслаҳатлар ва тавсиялар олиш;

аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим муассасаси, деканат ва кафедра раҳбариятига билдиришга ва уларни кўриб чиқилишини талаб қилиш;

Университет ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;

илмий-тадқиқот ишларида ва илмий конференцияларда қатнашишга ва уларнинг натижаларини нашр этиш ва бу ҳақида ахборотлар бериш;

Университет қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва уларнинг ишида қатнашиш;

ўқишдан ташқари вақтларда маънавий-маърифий, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бошқа қонунчиликка зид бўлмаган жамоат ишларида иштирок этиш;

ўқишдан бўш вақтларида олий таълим муассасининг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда меҳнат қонунчилигига мувофиқ ишлаш;

сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа хукуқлардан фойдаланиш.

Талаба ўз хукуқларини сунистеъмол қилмаслиги, бу хукуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

10. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талabalар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар (хорижий ва қўшма таълим дастурлари талabalari бундан мустасно).

Талabalар тегишли норматив-хукуқий хужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиялари, нодавлат ташкилотлар ва Университет ички номдор стипендияларини олиш хукуқига эгадирлар.

11. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

12. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талabalарга университетда ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш имкони берилади.

13. Университетнинг Талabalар турар жойи сифимидан келиб чиқсан ҳолда муҳтоҷ талabalар, университет талabalар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талabalар турар жойи учун тўлов талabalар турар жойларида коммунал-маиший хизматлар учун тўловларни инобатга олиб, Университет Кенгаши томонидан белгиланади.

Турар жойга муҳтоҷ талabalар мавжуд бўлган ҳолда, университетнинг талabalар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларга фойдаланиш (ижараға бериш, бошқа келишувлар)га рухсат этилмайди.

14. Университетдан ўз хоҳиши ёки узрли сабабларга қўра, четлаштирилган талаба Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган талabalар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари асосида қайта ўқишига тикланиш хукуқига эга.

Университетнинг талabalari белгиланган тартиб ва қоидалар асосида бошқа олий таълим муассасаларига ўқишиларини кўчириш (ўқишига қайта тикланиш) хукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси худудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан талabalарни университетга ўқишини кўчириш (ўқишига тиклаш) таъкиқланади.

Талabalар ўқишини бир олий таълим муассасасидан бошқасига кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

15. Университет талабалари олий таълимнинг касбий таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва дастурларида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари зарур. Университетнинг уставига, ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва талабалар тураг жойлари қоидаларига риоя этишлари шарт. Талабалар тураг жойи қоидаларига риоя этиш талаби ушбу талабалар тураг жойида яшаётган талабаларга тааллуқли.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этилади.

16. Талаба университетдан қуидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:
- а) ўз хошишига биноан;
- б) ўқишининг бошқа таълим муссасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) ўқув интизомини ва университетнинг ички тартиб-қоидалари ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун;
- г) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- д) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- э) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- ж) суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (ушбу ҳолатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди);
- з) вафот этганлиги сабабли.

Харбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида ҳамда оиласининг бетоб аъзосини (отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, турмуш ўртоғи, фарзанди) парвариш қилиш учун талабага Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда академик таътил берилиши мумкин.

Белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган (академик қарздор бўлган) талаба университет ректорининг буйруғи билан курсдан қолдирилади.

Университет маъмурияти ташабbusи билан (“д”) кичик бандига кўра, талабаларни ўқишдан четлаштириш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба банднинг “в” кичик бандига кўра, четлаштирилаётган ҳолда, таълим муассасасининг “Ёшлилар иттифоки” бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

Интизомий жазога тортилаётган талаба ўзига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги ваadolатлилиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят билан ректорга, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ёки бошқа ваколатли ташкилотларга мурожаат этиши мумкин.

Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

Талаба университетдан четлаштирилганда, унга шахсий хужжатлари, белгиланган шаклдаги академик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йиғма жилдда сақланади.

Интизомий жазо чоралар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда ҳатти-харакат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва ҳатти-харакат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечикирилмай қўлланилади. Талабалар касаллик пайтида, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиши ҳолати билан боғлиқ бўлган таътил пайтларда талабаларга интизомий жазо чораларини кўриш ман этилади.

Талаба касал бўлганлиги ўзи ёки унинг ота-онаси томонидан ёзма ариза билан бевосита деканатга, одатда, бир ҳафтадан кечикирилмасдан маълум қилинади ва тиббий маълумотнома аслини тақдим этади.

б) Тингловчилар:

17. Университет қошида малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказида ўқиётган шахслар тингловчилар ҳисобланади. Тингловчиларнинг мақоми таълим хизматларини олиш қисми бўйича университетда мувофиқ ўқув шаклида таълим олаётган талабанинг мақоми билан тенглаштирилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби, тингловчиларни ўқитиши шартлари ва хуқуqlари қонун хужжатларига мувофиқ тегишли норматив-хуқуқий хужжатлар билан белгиланади.

в) Таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчилар:

18. Университетнинг таянч докторантлари, докторантлари ва мустақил изланувчилари бўлиб, муайян ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот олиб бораётган фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) ва фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахслар ҳисобланади.

Олий ўқув юритидан кейинги таълимни ташкил этиши бўйича таянч докторанттура, докторанттура ва мустақил изланувчи сифатида давом эттириш амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

г) Университетнинг профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимлари (персонали):

19. Университетда маъмурий-бошқарув, профессор-ўқитувчилар, ишчи ходимлар, техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими ходимлари, ўқув-ёрдамчи, ишлаб чиқариш ва бошқа лавозимлар мавжуд.

Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент-ўқитувчи ва ўқитувчи-стажёр лавозимлари киради (ўқитувчи-стажёр лавозими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008-йил 1-августдаги “Республика олий таълим муасассалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сонли қарорига асосан киритилган).

20. Профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006-йил 10-февралдаги 20-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог

ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015-йил 25-августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 246-сонли қарори) танлов асосида меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 11-июлдаги ПҚ-4391-сонли қарорига мувофиқ:

а) университетнинг ректори бўйсунуви бўйича Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг тавсиясига қўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

б) проректорлар ректорнинг тавсиясига асосан бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора раҳбари билан келишилган ҳолда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади, бунда:

Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлаш бўйича биринчи проректор лавозимида номзод Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги;

Ўқув ишлари бўйича проректор лавозимида номзод Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозимида номзод Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилади.

Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор ҳамда Молия-иктисод ишлари бўйича проректор лавозимлариға номзодлар университет ректори тавсиясига асосан Бошқарув кенгашининг қарори билан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

в) Университет:

хузуридаги филиал директорлари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари раҳбарлари, академик лицей ва техникумлар директорлари ректор тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

факультет деканлари ректор томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

22. Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби қўйидаги хукуқларга эга:

белгиланган тартибда университет ва факультет Кенгашлариға сайлаш ва сайланиш;

университетнинг фаолиятига тааллукли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

университетнинг ахборот-ресурс маркази, ўқув ва илмий

бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматларидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

ўқитишининг услугуб ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

университет маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;

хорижий ҳамкасларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмashi;

назарий билимларини амалий тажрибасини, илмий-тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;

талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, фундаментал, амалий ва инновация лойиҳалари, хорижий илмий лойиҳалар ҳамда хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш, монография ва илмий мақолалар ёзиш, ихтиро учун патент, ахборот коммуникация технологиялари учун дастурий маҳсулотларга гувоҳномалар олишларини амалга ошириш;

тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий-тадқиқот ишларининг муҳокамасида иштирок этиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, илмий ишлар натижаларини нашр этишга тавсия бериш;

таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашда қатнашиш;

талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

хорижий етакчи олимлар, илмий марказлар ва таълим муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантиришда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа хуқуқлардан фойдаланиш.

23. Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат ва ижро интизоми, университет Устави, Ички меҳнат тартиби ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш, ўзининг хизмат вазифаларини вижданан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;

иш жараёнида мулоқот қиласидаги муассаса ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан хушфеъл муносабатда бўлиш;

иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, хар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

а) ўқув юкламалари ҳажмини, ўқув-услубий, илмий ўқув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;

б) илмий-тадқиқот натижалари бўйича дарслик, ўқув қўлланма тайёрлаш,

ўқув адабиётлар, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш, ихтиро учун патент, ахборот коммуникация технологиялари учун дастурий маҳсулотларга гувоҳномалар олиш;

в) таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашда қатнашиш, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

г) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан, дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш;

д) университет Кенгаши томонидан тасдиқланган, кафедрада бажариладиган илмий мавзуларда иштирок этиш;

е) ўз малакасини мунтазам равишда ошириш;

мехнатни муҳофаза қилиш, техник хавфсизлик ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;

университетнинг мол-мулкини авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

иш берувчига бевосита ўзининг айби билан етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;

университет жамоатчилик ишларида қатнашиш;

педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

замонавий цивилизация ва демократия шароитида таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарликни, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;

чет тили ва ахборот технологияларидан саводхонлигини ошириб бориш асосида камида бир ёки иккита хорижий тилни билиши;

таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;

“Устоз-шогирд” тизимида иштирок этиб, ўзига бириклирлган шогирдлар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;

ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўrnak бўлиш;

кийиниш маданиятига риоя этиш;

университет Кенгашида тасдиқланган ички тартиб қоидаларига сўзсиз риоя қилиш;

республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жаҳонда рўй берадиган янгиликлардан хабардор бўлиш;

университет, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;

ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;

дарсларни юқори савияда ўтиш;

фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни танишириб бориш;

ҳар ўқув йили бошлангунга қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастури, календар режаси ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши ва кафедра мажлисида тасдиқлатиш;

HEMIS платформасида ташкилий, ўқув, илмий ва молиявий кўрсаткичлари бўйича фаолиятни амалга ошириш; талабалар билимини холисона баҳолаш; янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш; илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш; талабалар илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш; ўзининг мутахассислиги бўйича ишлаб чиқариш корхонаси ва муассасаларда мавжуд муаммолар ҳақида маълумот ва тасаввурларга эга бўлиши ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд муаммоларнинг ечимига оид тадқиқот мавзусига эга бўлиши;

олиб бораётган тадқиқот мавзуси асосида ўз ёки ҳаммуаллифликдаги ишланма ва технологияларга эга бўлиши;

мутахассислиги бўйича таянч олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарида тегишли муддатларда малака ошириб бориши ёки стажировкадан ўтиши;

олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол қатнашиш.

24. Университет профессор-ўқитувчи ва ходимлари университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, Университетни ривожлантириш жамғармаси, халқаро молия институтларининг грантлари, ҳомийлик маблағлари ҳамда қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан хорижий давлатларда малака ошириш курслари, стажировка ўташ, халқаро анжуман ва семинарларда иштирок этишлари мумкин.

25. Университетнинг профессор-ўқитувчилари таркиби уч йилда камида бир маротаба ўз ихтисосликлари бўйича қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

26. Университетнинг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг хуқуқ ва мажбуриятлари университетнинг Ички тартиб ҳамда одоб-ахлоқ қоидалари ва лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий ишлар

27. Университет қуидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асосий таълим дастурлари, қўшимча таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг дастурларини амалга оширади:

1) Олий таълим (бакалавриат ва магистратура):

а) ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (**бакалавриат**) кундузги таълим шакли:

йўналишлар номи:

1. Ветеринария биотехнологияси

2. Ипакчилик ва тутчилик
3. Қишлоқ хўжалилиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги (экин турлари бўйича)
4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
5. Доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш технологияси
6. Ўрмончилик
7. Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
8. Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
9. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)
10. Биотехнология (Ветеринария, чорвачилик, доривор ва озуқабоп ўсимликлар)
11. Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)
12. Агрономия (ем-хашак экинлари)
13. Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси
14. Ўсимликшунослик (яйлов чўл ўсимликшунослиги)
15. Ветеринария медицинаси (фаолият турлари бўйича)
16. Ветеринария фармацевтикаси
17. Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари
18. Ветеринария санитария экспертизаси
19. Зооинженерия (турлари бўйича)
20. Зооинженерия (*балиқчилик*)
21. Зооинженерия (*қоракўлчилик*)
22. Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
23. Логистика (йўналишлари бўйича)

**Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали**

1. Ветеринария фармацевтикаси
2. Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари
3. Ветеринария-санитария экспертизаси
4. Биотехнология (доривор ва озуқабоп ўсимликлар)
5. Ипакчилик ва тутчилик
6. Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги (экин турлари бўйича)
7. Доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш технологияси
8. Ўрмончилик
9. Биотехнология (тармоқлар бўйича)
10. Агрономия (ем-хашак экинлари)
11. Ўсимликшунослик (яйлов-чўл ўсимликшунослиги)
12. Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
13. Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича)

**Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университетининг Нукус филиали**

1. Ветеринария фармацевтикаси
2. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича)

**Магистратура мутахассисликлар номи:
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети**

1. Кинология ва ит касалликлари
2. Паррандачилик
3. Ҳайвонлар физиологияси ва биокимёси
4. Тренинг ва от касалликлари
5. Иммунобиологик препаратлар биотехнологияси
6. Наслчилик
7. Ветеринария фармацевтикаси ишини ташкил қилиш ва бошқариш
8. Доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш технологияси
9. Технологик жараёнлар ва ишлабчиқаришни автоматлаштириш (қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича)
10. Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
11. Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалилиги тармоқлари бўйича)
12. Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича)
13. Ветеринария биотехнологияси
14. Ўсимликшунослик (экинлар гурӯхлари бўйича)
15. Агробиотехнология
16. Қоракўл қўйлари селекцияси
17. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш ва уларнинг селекцияси (ҳайвонот турлари бўйича)
18. Чорвачилик
19. Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашнинг анъанавий ҳамда инновацион технологияси ва сертификацияси
20. Қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш
21. Ҳайвонларга ташхис қўйиш ва даволаш
22. Ветеринария жарроҳлиги
23. Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси
24. Ветеринария акушерлиги ва ҳайвонларнинг кўпайтириш биотехникаси
25. Балиқ касалликлари
26. Асалари касалликлари
27. Парранда касалликлари
28. Фавқулодда вазиятларда ветеринария назорати ва жамоат соғлигини сақлаш
29. Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси, микологияси ва иммунологияси
30. Ҳайвонларнинг паразитар ва юқумли касалликлари
31. Ветеринария санитарияси, ветеринар-санитарлик экспертизаси ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш гигиенаси

32. Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар Университетининг Тошкент филиали

1. Ветеринария санитарияси, ветеринар-санитарлик экспертизаси ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш гигиенаси
2. Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси
3. Ветеринария микробологияси, вирусологияси, эпизоотологияси, микологияси ва иммунологияси
4. Балиқчилик
5. Ҳайвонларнинг паразитар ва юқумли касалликлари
6. Кинология ва ит касалликлари
7. Селекция ва уруғчилик (экинлар гурухлари бўйича)
8. Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Нукус филиали

1. Чорвачилик
2. Наслчилик
3. Биотехнология (маҳсулот турлари бўйича)
4. Ҳайвонларнинг паразитар ва юқумли касалликлари

28. Университет таълимнинг асосий таълим дастурларини икки босқичда амалга оширади: бакалавриат ва магистратура.

Бакалавриат олий таълим йўналишларидан бири бўйича чукурлаштирилган билим, малака ва қўнималар берадиган, ўқиш давомийлиги камида уч йил бўлган таянч олий таълимдир.

Бакалавр дастурини тугатган бити्रувчиларга давлат аттестацияси якунлари бўйича таълим йўналиши бўйича “бакалавр” даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Таълим соҳалари бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режасидаги юклама ҳажми барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Магистратура тегишли бакалавриат негизидаги аниқ мутахассислик бўйича ўқиш давомийлиги камида бир йил бўлган олий таълимдир.

Магистратура мутахассисларининг ва уларга мувофиқ бўлган бакалавриат таълим йўналишларининг рўйхати таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан белгиланади.

Таълим соҳаларининг касбий таълим стандартларига кўра ўқишнинг меъёрий муддати 2 йил бўлганда, ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши, ўқишнинг меъёрий муддати 1 йил бўлганда, ўқув жараёни 48 ҳафтани ташкил

этиши зарур. Ушбу ўқишининг меъёрий муддатлари таълимнинг барча шаклларига (кундузги, кечки, сиртқи, масофавий) тааллуқлидир.

Магистр дастурини тугатган битиравчиларга давлат аттестацияси якунлари бўйича тайёрланган муайян мутахассислик бўйича “магистр” даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ олий таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгаллаган мутахассислиги бўйича ишлаш хуқуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг фуқаролари шартнома асосида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни олиш хуқуқига эга.

29. Университетда таълим жараёнини ташкил этиш, таянч олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ўқув режалари ва фанларнинг дастурлари, университет ректори (Ўқув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланган йиллик календар ўқув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуг ва воситаларни танлаш йўли билан университет талabalарига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитларини яратиб берилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари билан таъминланади. Университетнинг ижтимоий-иктисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўғинларига, талабалар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига, раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

30. Университетда ўқув машғулотларининг қўйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс лойиҳаси (курс иши), бакалаврлик битирав малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқалик (танаффусиз қўшма маъруза) академик соат белгиланган. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқа бўлади.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тиллар: ўзбек, рус, инглиз тиллари хисобланади.

31. Университетда кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади.

Университетнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлигига давлат рўйхатидан ўтказилган касбий таълим стандарти қўлланилади.

32. Университетда ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши баҳолаш тизими шаклида олиб борилади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруги билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Университетнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги Низом”га мувофиқ тартибга солинади. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом”га асосан битирувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

33. Университетда илфор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модул тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

2) Олий таълимдан кейинги таълим:

34. Олий таълимдан кейинги таълим докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб боришини назарда тутадиган таянч докторантурা, докторантурा ва мустақил изланувчи асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

Таянч докторантурा фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Докторантурा фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Мустақил изланувчи фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражаларига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, илмий даражалар ва илмий унвонлар бериш тартиби олий таълимдан кейинги таълим олиш хусусиятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Олий таълимдан кейинги таълимнинг давом этиш муддати қонун ҳужжатларида белгиланади.

Университетда қўйидаги таянч докторантурा, докторантурा, стажёр-тадқиқотчи ва мустақил изланувчилик институти мавжуд:

докторантурा ихтисосликлари номлари:

1. 03.00.05-Ботаника.

2. 03.00.06-Зоология (ветеринария фанлари).
3. 03.00.08-Одам ва ҳайвонлар физиологияси.
4. 05.07.01-Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш.
5. 06.01.08-Ўсимликшунослик.
6. 06.02.01-Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчиши, қўпайтириш, селекцияси ва генетикаси. Ипакчилик. Қоракўлчилик.
7. 06.02.02-Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини озиқлантириш ва озуқа тайёрлаш технологияси.
8. 06.02.03-Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси.
9. 16.00.01-Ҳайвонлар касалликлари диагностикаси, терапияси ва хирургияси.
10. 16.00.02- Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси.
- 11.16.00.03-Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси, микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси.
- 12.16.00.04-Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария санитарияси, экологияси, зоогигиенаси ва ветеринар-санитария экспертизаси.

35. Университетда олий ўқув юртидан кейинги таълим доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация Комиссияси томонидан тасдиқланган “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар мутахассисликлари рўйхати”га мувофиқ илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, шунингдек, фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертациялар тайёрлаш ва ҳимоя қилиш учун университетга докторант ва мустақил изланувчиларни биринчириш ишлари амалга оширилади.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 27-августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 23-сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарорига мувофиқ кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича қасбий таълим дастурлари амалга оширилади.

Университетнинг Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида ҳамда ихтисослик йўналишлари бўйича таянч олий таълим муассасаларида ўқиш натижаларига кўра ўрнатилган тартибда тасдиқланган давлат намунасидаги сертификат (диплом) берилади.

37. Университетда Кенгаш томонидан тасдиқланган мавзулар, режалар бўйича бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлиги

таъминланган ҳолда талабалар, магистрантлар, докторантлар ва мустақил изланувчилар кенг жалб этилиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишлар олиб борилади.

Илмий-тадқиқотлар қуидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

шартнома асосида соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар маблағлари;

олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асосидаги тушумлар;

бюджетдан ташқари маблағлар;

ҳомий ташкилот ва корхоналар;

маҳаллий бюджет маблағлари.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 30-июлдаги ПҚ-4795-сонли қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қишлоқ хўжалиги соҳасида профессор-ўқитувчилар ва илмий-тадқиқотчилари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларини тиҷоратлаштириш ҳамда хўжалик шартномалари ҳисобидан тушган маблағлардан тўланадиган солиқ ставкаларини икки баробарга камайтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилган.

В. Университетнинг таркиби*

39. Университетнинг таркибига қуидагилар киради:

а) Факультетлар:

Ветеринария медицинаси;

Ветеринария диагностикаси ва озиқ-овқат хавфсизлиги;

Зоотехнология;

Биотехнология;

Агротехнология;

Иқтисодиёт;

Махсулотларни қайта ишлаш технологияси ва стандартлаштириш;

Факультетлараро кафедралар.

б) Проректор, бошқарма, бўлим ва марказлар:

Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича 1-проректор:

Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими;

Психолог;

Талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш бўлими;**
 Талабалар турар жойлари;
 Психолог;
 Маданият саройи;
 “Меҳнаткаш” спорт-соғломлаштириш оромгоҳи.

Ўқув ишлари бўйича проректор*:**

Ўқув-услубий бошқарма (бўлим):
 Магистратура бўлими;
 Рўйхатга олиш хизмати;
 Рақамли таълим технологиялари маркази;
 Ахборот-ресурс маркази;
 Маркетинг ва талабалар амалиёти бўлими;
 Ўқитишнинг техник воситалари бўлими;
 Университетнинг кўп тармоқли ўқув полигонлари (*Оқдарё, Иштихон, Нуробод туманлари*);
 Академик лицей.

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор:

Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими;
 Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими;
 Таҳририй-нашриёт бўлими;
 Илмий-инновацион фаолият ишланмаларни тижоратлаштириш ва инновацион патентлаштириш бўлими;
 Олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштириш бўлими.

Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор:

Халқаро ҳамкорлик (Халқаро рейтинг ва аналитик тахлил) бўлими;
 Кўшма таълим дастурлари бўлими.

Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор:

Бухгалтерия;
 Режа-молия бўлими;
 Бош мұхандис;
 Бош энергетик.
 Техник-фойдаланиш ва хўжалик бўлими;
 Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими;
 Виварий;
 Қозонхона;
 Ветеринария дорихонаси;
 Ветеринария клиникаси ва касалликлар диагностикаси технопарки;
 Ветеринария лаборатория диагностикаси ва профилактика-даволаш бўлими;
 Сунъий уруғлантириш ва наслчилик-селекция маркази;
 Маслаҳат маркази.
 Ректорнинг маслаҳатчиси;
 Ректор ёрдамчиси;
 Бош аудитор;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, назорат ва мониторинг бўлими;

Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс-назорат” тизимини бошқариш бўлими;

I бўлим;

II бўлим;

Девонхона ва архив;

Таълим сифатини назорат қилиш бўлими;

Илмий кенгашнинг илмий котиби;

Университет кенгаши котиби;

Юрисконсульт;

Ходимлар бўлими;

Матбуот котиби;

Университетнинг Нукус филиали;

Университетнинг Тошкент филиали;

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; “Ўқув тажриба хўжалиги” ДУК (Самарқанд вилояти Оқдарё тумани);

Самарқанд ветеринария медицинаси техникуми;

Ургут ветеринария медицинаси техникуми;

Нукус ветеринария медицинаси техникуми;

Андижон ветеринария медицинаси техникуми;

Қамаши ветеринария медицинаси техникуми.

Ҳамкор илмий тадқиқот институтлари:

1. Ветеринария илмий-тадқиқот институти,

Куйидаги базавий кафедралар ташкил этилади: *Ҳайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия кафедраси, Ички юқумсиз касалликлар, Ички юқумсиз касалликлар, Ветеринария жарроҳлиги ва акушерлик кафедраси, Фармакология ва токсикология кафедраси, Эпизоотология ва инфекцион касалликлар кафедраси, Паразитология ва ветеринария ишини ташкил этиши кафедраси, Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси, Ветеринария санитария экспертизаси кафедраси, Ҳайвонлар физиологияси, биокимёси ва патологик физиологияси кафедраси.*

2. Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти (Яйлов чорвачилиги, қоракўлчилик, асаларичилик ва ипакчилик кафедраси,

3. Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти (*Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси кафедраси*).

4. Балиқчилик илмий-тадқиқот институти (*Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси кафедраси*).

Университетнинг давлат ташкилотлари, уюшмалари билан ҳамкорлиги, талабаларни малакавий амалиёт ўташ жойлари:

1. Республика ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси,

2. Республика Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши, вилоят ва туман бўлимлари,
3. Вилоятлар қишлоқ хўжалик бошқармалари, туман бўлимлари,
4. Вилоятлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари, шаҳар ва туманлар бўлимлари,
5. Республика, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳайвон касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказлари,
6. Яйлов чорвачилигини ривожлантириш уюшмаси (*Ўсимликиунослик ва ем-хашак етишишириши кафедраси*),
7. Паррандасаноат уюшмаси (*Парранда, балиқ, асалари ва мўйнали ҳайвонлар касалликлари кафедраси*),
8. Ўзбекбалиқ саноат уюшмаси (*Парранда, балиқ, асалари ва мўйнали ҳайвонлар касалликлари кафедраси*),
9. Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси (*Парранда, балиқ, асалари ва мўйнали ҳайвонлар касалликлари кафедраси*),
10. Қашқадарё вилояти, Яккабог туманидаги “Қорабайир отчилик мажмуаси” унитар корхонаси,
11. Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва вилоятлар бошқармалари (*Биология ва экология кафедраси*),
12. Ўзбекистон Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва тизим ташкилотлари (*Умумий дехқончилик ва ўрмончилик кафедраси*),
13. Молия вазирлиги ва тизим ташкилотлари,
14. Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва тизим ташкилотлари,
15. Андижон “Дон ва дуккакли дон экинлари илмий тадқиқот институти”нинг Қашқадарё филиали (*Ўсимликиунослик ва ем-хашак етишишириши кафедраси*)
- Ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлари ва кластерлари:**
- “Жиззах органик” МЧЖ, “Сиёб-Шавкат-Орзу” кластери (*Чорвачилик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишилаш технологияси кафедраси, Қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сақлаш, қайта ишилаш ва стандартлаштириш кафедраси*), “Бухоро қоракўл кластери”, “Бухоро агрокластери”, “Навоий янги аср” кластери, “Зарафшон парранда Ломани” МЧЖ, “Боғбон IN-VITRO” биотехнология лабораторияси (*Биотехнология кафедраси*), “АгроМИР” МЧЖ (*Қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сақлаш, қайта ишилаш ва стандартлаштириш кафедраси*), “Мева-Мараканд” МЧЖ, “Қорақўлчилик уюшма”, “Чорванасл” агентлиги, Республика ва вилоятлар “Агромашсервис” МТП МЧЖ (*Ишлаб чиқарини механизациялашиши ва автоматлаштириши кафедраси*), Республика ва вилоятлар “Дехқон, фермер ва хусусий ер эгалари уюшма”лари Кенгаши, Туманларнинг “Машинатрактор парклари”, “RASH-MILK” чорвачилик кластери, “Ўзбиокомбинат” қўшма корхонаси (*Ветеринария фармацияси кафедраси*), “UzTest”ДМнинг Самарқанд филиали, “Баҳт имкон ривож” МЧЖ, “Евро экхин” МЧЖ, “

Гулистон Нурли истиқбол” МЧЖ, “Интер агрокластери” МЧЖ, Тошкент шахар ҳайвонот боғи (*Парранда, балиқ, асалари ва мўйнали ҳайвонлар касалликлари кафедраси*), “Жомбой дон” АЖ, “Самарқанд дон” АЖ, “Жума элеватор” АЖ, “Интелект ҳисоб” МЧЖ, “Камалак инвест” кластери (*Иқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисоби кафедраси*).

в) Университет таркибида Тошкент ва Нукус филиаллари фаолият олиб боради.

**Университет (институтлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.*

***бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.*

*** *5 та институт ва 22 та кафедранинг фаолиятини Ўқув ишлари бўйича проректор мувофиқлаштиради.*

40. Техникумлар(*Самарқанд, Ургут, Нукус, Андижон ва Камалии ветеринария медицинаси техникумлари*) – Халқаро таълим таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида олий таълим тизими билан интеграциялашган ўрта маҳсус профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган, олий таълим муассасалари ҳузурида фаолият юритадиган таълим муассасалари ҳисобланади.

Техникумларда идоравий бўйсунувидан қатъий назар ўқув-методик раҳбарлик қилиш ҳамда бу соҳада давлат сиёсатини юритиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Техникумнинг ўқитувчилари ва университет кафедраларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда таълим сифатини ошириш борасида ҳамкорлик йўлга қўйилади.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 30-июлдаги ПҚ-4795-сонли қарори билан агротехнологиялар техникумларига қуидагилар белгилаб берилди:

Техникумларда юқори малакали педагог-ходимлар таркибини шакллантиришда таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш мақсадида аграр соҳадаги олий таълим муассасалари ҳамда ҳудудларда жойлашган олий таълим муассасаларининг турдош кафедралари профессор-ўқитувчиларига устуворлик берилади;

Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони З-бандига, Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2022 йил 11 январдаги 17-сонли Қарорининг иловасидаги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2022 йил 13 январдаги 13-сон буйруғига мувофиқ якка тартиbdаги сұхбат асосида кириш имтиҳонларисиз ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар йўналишидаги олий таълим муассасаларининг

мос бакалавриат таълим йўналишларида 2-босқичдан ўқишини давом эттириш хуқуқига эга бўлади;

бошқа олий таълим муассасаларидаги ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар соҳасига оид турдош бакалавриат ва магистратура мутахассислиги таълим йўналишлари кафедра мудирларини лавозимга тайинлаш ҳамда озод этиш Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 11-июлдаги ПҚ-4391-сонли қарорига мувофиқ университетнинг тузилмаси ректор томонидан олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ бўйсунуви бўйича Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

VI. Университетни бошқариш

43. Университетни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ якка раҳбарлик ва университетнинг Кенгаши, Бошқарув кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғулаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

44. Университетни бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 11-июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимиға бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор университет фаолиятига, шунингдек, университетнинг Ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун тўла масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ университет номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, университетнинг мол-мулкига масъуллик қиласи, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида университетнинг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради.

Ректор университетнинг ваколати доирасида:

Университет фаолиятига раҳбарлик қиласи ҳамда Университетга юкланган мақсад ва вазифаларни бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади;

Таркибий бўлинма бошлиқлари, факультет деканлари ва кафедра мудирларини лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қиласи;

Университет проректорлари, Филиаллар ва Техникумларнинг директорлари лавозимиға номзодларни тавсия этади ҳамда уларнинг муайян вазифалари ва масъулиятларини белгилайди;

Университет проректорлари лавозимига номзодларни тавсия этади ва проректорлар, деканларнинг муайян вазифалари ҳамда масъулиятларини белгилайди;

Университет ходимлари ва хизматчиларини, шунингдек, илмий-педагогик ходимларни Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ишга олиш ва бўшатишни амалга оширади;

Юридик хизмати ходимларини тегишли адлия органи билан келишилган ҳолда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади.

Университет таркибига кирган илмий-тадқиқот, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа ташкилот ва бўлинмаларнинг вазифаларини белгилайди ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Университет ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва қўшимчаларни белгиланган тартибда белгилайди (ректор ва проректорлар бундан мустасно);

Касаба уюшма қўмитаси ёки университетнинг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда университетнинг Ички тартиб қоидаларини тасдиқлайди;

Университетнинг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг норматив-ҳукуқий ҳужжатлари бузилган ҳолда қабул қилинган буйруқларини бекор қиласди;

Университетда Намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳақи фонди, тасдиқланган университет ходимларининг сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида университет профессор-ўқитувчилари таркиби ва университет ходимларининг штат бирлигини тасдиқлайди ҳамда лавозим маошларини белгилайди;

Университет Кенгашининг тавсиясига кўра, ўрнатилган тартибда тегишли норматив-ҳукуқий ҳужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни очиш ёки ёпиш қарорларини тасдиқлайди ҳамда келишиш учун ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг розилиги билан ташкил этилади.

Университет ректорига ўзи ишлаётган университетда ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий-методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлиқ бўйича ишлашга рухсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлиқ бўйича бажариши мумкин эмас.

45. “Олий таълим тўғрисидаги Низом”га мувофиқ университет фаолиятининг асосий масалаларини қўриш учун университет Кенгаш ташкил этилади.

Кенгаш таркибига ректор, проректорлар, филиал директорлари, факультетлар деканлари ҳамда мутахассислар тайёрловчи кафедралар мудирлари, шунингдек, талабалар ва университет касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари Хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгashi раиси ҳамда Ёшлар етакчиси киради. Ректор Кенгаш раиси ҳисобланади. Кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли

билин сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Кенгашга сайланадиганлар сони ректор буйруғи билан белгиланади.

Кенгаш университетнинг умумий раҳбарлигини амалга оширадиган коллегиал орган ҳисобланади. Кенгаш аъзоларининг сони университет ходимлари ва талабалари сонига нисбатан белгиланади.

Кенгаш университетнинг бошқарув органлари ва бўлимлари таклифларини инобатга олган ҳолда иш режасини тузади.

Кенгашнинг қарори, агар овоз беришда Кенгашнинг тасдиқланган таркибидаги аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Кенгашнинг овоз беришда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овозни олган бироқ, камида 50 фоиз овози бўлса, қарор қабул қилинган, деб ҳисобланади.

46. Кенгашнинг ваколатлари:

конференцияларни ташкил этиш, шунингдек, унинг ўтказилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

университетни ривожлантиришни асосий истиқболли йўналишларини, шу жумладан, унинг таълим ва илмий фаолиятини белгилаш;

ўкув жараёнини ташкил этишнинг асосий масалалари, шу жумладан, талабаларни қабул қилиш қоидаларини белгилаш, ўкув режасини тузиш, талабаларни ўқитишининг амалдаги тартибини тартибга солиш, якуний назоратлар бўйича талабаларни ўзлаштириши натижаларини кўриб чиқиш;

молиявий-хўжалик фаолиятини режасини ва университетни ривожлантириш дастурини кўриб чиқиш;

университет ректорининг йиллик ҳисботларини тинглаш;

таълим, илмий-тадқиқот масалалари бўйича ахборот-таҳлилий, молиявий-иктисодий фаолиятини, шунингдек, университетнинг ҳалқаро ҳамкорлик масалалари бўйича қарорларини қабул қилиш;

Кенгашнинг иш режасини тасдиқлаш;

университет профессор-ўқитувчиларидан номзодларни илмий унвонлар олишга тавсия қилиш;

университетнинг фаолиятини амалга оширувчи таркибий бўлимларни тузиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш (илмий, илмий-тадқиқот ва илмий-техник лаборатория фаолиятини амалга ошириш, илмий-техник фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотларнинг таълим фаолиятини амалга оширувчи бўлимлар ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида);

университет педагогик ходимларини Кенгашда танлов бўйича ўтказиш;

университет ходимларини Давлат мукофотларига тавсия бериш;

Кенгаш томонидан тасдиқланган қоидалар асосида фахрий унвонлар бериш;

университетда талабалар учун стипендия масалаларини тартибга солувчи қоидаларни тасдиқлаш;

Давлат ва номдор стипендияларига талабалар номзодларини тавсия қилиш.

47. Университетда Васийлик кенгаши университетни бошқарувчи жамоатчилик органи ташкил этилади ва унинг таркибига муассасалар,

вазирликлар, маҳаллий ҳокимият, ишбилармон доиралар, жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва васийлар ҳамда бошқа таълим муассасаларининг вакиллари киради.

Кенгаш юридик шахс ҳисобланмайди. Кенгаш ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Васийлик кенгашининг вазифалари ва ваколатлари, шакллантириш таркиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 23-майдаги “Олий таълим муассасасининг васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 129-сонли қарорига мувофиқ белгиланади.

Кенгаш ўз фаолиятини университет ректори билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 19-августдаги ПҚ-4421-сонли қарори билан қишлоқ хўжалиги соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолият олиб боради. Унинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгиланган:

маъмурий бўйсунишидан қатъий назар қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда унинг тармоқлари бўйича изланишлар олиб бораётган, кадрлар тайёрловчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги талаб ва илғор хорижий тажрибалар асосида олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини тизимли равишда такомиллаштирилишини таъминлаш.

Университет ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар соҳасида юқори малакали илмий-педагог кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳамда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 5-июндаги ПҚ-3775-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018-йил 28-июлдаги 670-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаси ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий Низом” асосида университетда Жамоатчилик кенгаши фаолият олиб боради.

50. Университетда Университет Касаба уюшмаси қўмитаси, Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ва Хотин-қизлар масалалари маслаҳат кенгаши жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади.

Университет Касаба уюшмаси қўмитаси, Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ва Хотин-қизлар масалалари маслаҳат кенгаши жамоатчилик

ташкилотлари фаолияти жамоа шартномалари ва бошқа хужжатлар билан тартибга солинади.

Профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг хукукий манфаатларини ҳимоялашни касаба уюшмаси марказий кенгashi ҳамда уларнинг университетда сайланган вакили амалдаги қонунчилик асосида ўз иш фаолиятини олиб боради.

51. Университетнинг мажбуриятлари:

университет муваффақиятли фаолият юритишига, меҳнат маданияти ва интизоми қўтарилишига эришиш, ишловчиларнинг касб маҳоратини юксалтириш, тариф ставкаларини амалдагиларига нисбатан пасайишига йўл қўймаслик;

ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун меҳнат жамоасини моддий-техник ресурслар ва молиявий маблағлар билан ўз вақтида таъминлаб бориш;

меҳнат унумдорлигини юксалтириш, илғор тажрибани ўзлаштириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш;

ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, университетнинг молиявий аҳволи ва олинган фойданинг ишлатилиши ҳақида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш;

университетнинг ўзида, ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;

жамоа шартномасини тузишга, унинг бажарилиши устидан назоратни йўлга қўйишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, бошқа қонунларида, университетнинг таъсис хужжатларида, жамоа келишувларида ҳамда жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа масалаларга оид маълумотларни Касаба уюшма қўмитасига тақдим этиб бориш;

белгилаб қўйилган меҳнат тартиби доирасида касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро таклифлар ва талабларни ўз вақтида кўриб чиқиш, меҳнат баҳсларини музокара йўли билан ҳал этиш.

Амалдаги низомларга мувофиқ университетда илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгashi ва бошқалар ташкил этилиши мумкин. Ректорат ва Кенгаш ўз фаолиятида университет жамоат ташкилотларининг тавсияларини кўриб чиқади ва ўз фаолиятларида уларни ҳисобга олади.

52. Факультет декани ўз фаолиятида “Факультет тўғрисида”ги Низомга амал қиласди. Факультетда кенгаш ташкил этилади, Кенгашнинг таркиби, ваколатлари, шакллантириш ва фаолиятининг тартиби “Факультетнинг Кенгashi тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

53. Кафедра фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ танлов асосида университетнинг Кенгashi томонидан сайланадиган кафедра мудири раҳбарлик қиласди. Кафедра мудирининг ваколатлари ва кафедра фаолиятининг тартиби “Олий таълим муассасасининг кафедралари тўғрисидаги низом” асосида ва хизмат мажбуриятлари билан белгиланади.

VII. Университетнинг молия-хўжалик фаолияти ва моддий-техник базаси

54. Университетга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш ва фойдаланиш мақсадида давлат томонидан бинолар, иншоотлар, мулкий мажмуалар, университетнинг паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, шунингдек, истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар биритирилган.

Университет Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар қаторига киритилган. Университетта ажратилган ер участкалари муддатсиз бепул фойдаланиш учун биритирилган.

55. Университетта жисмоний ва юридик шахслардан совфа, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкий объектларга, университет фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек, ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинадиган мулкий объектларга эгалик қилиш ҳуқуқи берилган.

56. Университет мол-мулкни ижарага оловчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ университет ўзига биритирилган ижарага берилиши қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни Кенгашнинг розилиги билан тасарруф этиш ҳуқуқисиз, Давлат мулк қўмитаси орқали белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳақи сифатида олинган маблағларнинг тегишли қисми таълим жараёнини ривожлантириш учун фойдаланилади.

57. Университетнинг таълим фаолиятини молиявий таъминлаш давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган бюджет маблағлари, давлат томонидан белгиланган меъёрларидан келиб чиқсан ҳолда қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш ҳисобига ажратилган маблағлар, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан, талabalар ва тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўловшартнома асосидаги маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

58. Университетнинг асосий фаолиятидан четланмаган тартибда таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириш мумкин. Университетда шуғулланадиган тадбиркорлик фаолияти унинг уставида белгиланган вазифаларга мос келиши керак.

Университет пуллик таълим хизматлари, консультациялар ва бошқа

хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчилиқда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш хукуқига эга.

Университет Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур Уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қиласди.

59. Университетда лавозим маошлари “Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида”ги норматив-хукуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади. Университет ходимига лавозим маоши, ўз функционал вазифаларни ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. Қўшимча маош, устама, моддий ёрдам ва бошқа моддий рағбатлантириш тадбирларининг ҳажмини университет мустақил, иш ҳақи фонди доирасида қонунчилиқда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгилайди.

60. Университетда ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган хоналарни ажратади. Университет худудида жойлашган тиббиёт таянч маскани ҳамда талабалар, тингловчилар ва ходимларга хизмат кўрсатувчи ошхона, буфетлар ва бошқа умумий овқатланиш муассасаларига иситиш, ёритиш ва сув таъминоти билан таъминланган хоналар ажратилади.

Университетнинг тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади.

VIII. Халқаро ҳамкорлик

61. Университет Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ қўйидагилар воситасида тегишли хорижий мамлакатларнинг таълим муассасалари ва ташкилотлари билан халқаро ҳамкорликни амалга оширади:

таълим муаммолари юзасидан илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш;

қўшма таълим дастурлари, ўқув марказлари ва илмий лабораториялар ташкил этиш;

халқаро даражадаги биргаликдаги таълим ҳамда илмий-тадқиқот лойиҳалари ва дастурларини тайёрлаш;

ҳамкорликда фундаментал ҳамда амалий илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш;

илмий-амалий семинарлар, конференциялар ва симпозиумлар ўтказиш;

талабалар, магистрлар, докторантлар, ўқитувчилар ва илмий ходимлар алмашинишини амалга ошириш;

икки томонлама дипломлар (Double degree) дастурларини жорий этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирлар.

Таълим ташкилотлари қонун хужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим муассасалари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлашни амалга ошириши мумкин.

62. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари деб қаралиши мумкин бўлмаган, хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида белгиланган тартиб асосида шартномалар тузиш ҳуқуқига эга.

63. Университет Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ушбу Уставда назарда тутилган ва “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек, халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташки иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

64. Хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартномалари асосида қўшма таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш. Бунда, хорижий олий таълим муассасаларининг ҳамкорлик шартномаларида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

65. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014-йил 5-мартдаги “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-2142-сонли қарорига асосан университет ректори Вазирлар Маҳкамасининг розилиги билан хорижий хизмат сафарига юборилади.

IX. Якуний қоидалар

66. Университет Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига белгиланган тартибда қўйидагиларга жавоб беради:

унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлиги ёки етарли даражада ва сифатсиз бажарганлигига;

таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганлигига;

таълим жараёни вақтида университетда талабалар, тингловчилар, докторантлар, профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимларнинг ҳаёт ҳавфсизлигига;

таълим олувчилар ва университет ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилганлигига;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатларга.

67. Университет фаолиятини қайта ташкил этиш ва тутатиш амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

68. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг буйруғи билан тасдиқлангандан сўнг, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади ва кучга киритилади.

69. Ушбу Уставга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг буйруғига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

